

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5120100– 4.03  
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “22” 01

**ТИЛЛАР ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**  
**ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар  
Таълим йўналиши: 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш  
(роман-герман филологияси)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

- |                  |  |
|------------------|--|
| Ахмедова Л.Т.    | - ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар” кафедраси мудир, профессор, пед.ф.д.;   |
| Жалолов Ж.Ж.     | - Низомий номли ТДПУ “Инглиз тили ўқитиш методикаси” кафедраси профессори, пед.ф.н.; |
| Нормуратова В.И. | - ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар” кафедраси доценти, пед.ф.н.;            |

**Тақризчилар:**

- |                |  |
|----------------|--|
| Икромхонова Ф. | - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Чет тиллар” кафедраси мудир, пед.ф.н., доцент |
| Караева К.Н.   | - ЎзДЖТУ “Замонавий педагогик технологиялар” кафедраси доценти, пед.ф.н.                       |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **КИРИШ**

“Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” ихтисослик фани саналиб, у талабаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан турли таълим муассасаларида ўқитувчи сифатида фаолият олиб боришга тайёрлайди. Фаннинг долзарблиги ўқитувчи учун бирламчи ҳисобланувчи педагогик кўникма ва маҳорат шаклланиши зарурияти билан белгиланади. Ўқув фанининг асосий мазмуни “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ тарзда тузилган.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фаннинг мақсади – талабани чет тили ўқитувчиси касбий фаолиятига назарий ҳамда амалий жиҳатдан тайёрлашдан иборат. Замонавий методиканинг асосий муаммолари билан таништириш тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари фанининг вазифаси саналади. Ушбу фан талабаларни таълим муассасаларида олиб бориладиган дарсларда дуч келишлари мумкин бўлган аниқ вазифаларга йўналтиради. Бунда асосий эътибор талабаларнинг амалий кўникмаларини ишлаб чиқишга, асосий касбий малакасининг шаклланишига: дарснинг онгли, тарбиявий ва таълимий мақсадларини шакллантириш; мавзу асосида ўқув материални режалаштириш; дарснинг режаси ва конспектини тузиш; савол ва топшириқлар тузиш, сўров ўтказиш ҳамда билимни далилий баҳолаш; ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этиш; ҳамкасблари ва ўз дарсларини таҳлил қилишга қаратилади.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- педагогик моҳиятнинг манбаи, педагогика тарихининг асосий босқичлари, ушбу соҳадаги янги илмий ютуқлар борасида тасаввурга эга бўлиши;
- ёшга доир психологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг гуманитар фанларни ўқитиш методикаси билан алоқаси борасида тасаввурга эга бўлиши;
- гуманитар фанлар соҳасидаги анъанавий ва янги педагогик технологияларни билиши;
- таълим жараёнида ижтимоий ва педагогик фанлар интеграциясининг асосий қонуниятларини билиши ва қўллай олиши;
- чет тили дарсини анъанавий ва янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;

- дарс бериш жараёнида таълимнинг замонавий техник воситалари билан ишлай олиши;
- янги илмий адабиётлар, дарсликларнинг электрон кўринишлари ва кутубхона каталогларидан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши шарт.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Ўқув фани бўлажак ўқитувчига методика соҳасида билимлар беришга мўлжалланган бўлиб, унинг асосида лингвистика, педагогика, психология билан бевосита боғлиқлик ётади. Ушбу фан бакалавриятнинг 3 курсида малакавий амалиётдан олдин “Педагогика” ва “Психология” дарслари билан бир вақтда ўқитилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Фан бакалаврларнинг чет тили ўқитувчиси сифатидаги фаолиятини амалга оширишда ёрдам берувчи амалий кўникмаларини таъминлайди, шунингдек, магистратурада таълимни давом эттириш учун асосий назарий билимлар шаклланишини назарда тутлади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Бакалаврнинг амалий малакасини шакллантириш мақсадида таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштиришга йўналтирилган интерфаол методлардан фойдаланилади:

- муаммоли таълим;
- модулли таълим;
- ижодий вазифаларни амалга оширувчи технологиялар;
- ўйинли технологиялар.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **“Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” фанининг мазмуни, предмети ва методи**

Чет тилларни ўқитиш назариясининг умумий муаммолари. Таълим замонавийлаштирилаётган бир пайтда Ўзбекистон Республикасида чет тилларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш. Чет тиллари бўйича миллий ва халқаро меъёрлар. Маҳаллий ва хорижий дастурлар. Чет тили ўқитувчисининг касбий лаёқатлари.

Таълим замонавийлаштирилаётган бир пайтда Ўзбекистон Республикасида чет тилларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикасининг барча таълим босқичлари учун чет тили бўйича давлат таълим стандартининг белгиланиши. Тил таълимида чет

тилини билиш даражаси тизими. Хорижий стандартлар ва халқаро сертификатлаштирилган имтиҳонлар талаблари. Турли таълим муассасалари учун чет тилларига оид дастурларга талаблар. Чет тили ўқитувчисига кўйиладиган асосий малакавий талаблар. Чет тили ўқитувчиси касбий жиҳатлари шаклланишининг шарт ва йўллари.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари фан сифатида**

Чет тили таълим предмети сифатида. Чет тилини ўқитиш методикаси фан сифатида. Чет тилини ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси. Ўқитиш ва ўрганиш усуллари. Таълим йўллари. Тадқиқот методлари.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг лингвопсихологик ва педагогик асослари**

Чет тили ва она тилининг ўзига хос ҳолатларини қиёсий – типологик таҳлили. Дихотомия: тил ва нутқ. Тил ва нутқ бирликлари. Турли тил сатҳларда методик мақсад учун лингвистик материални моделлаштириш. Инсон фаолиятининг мустақил кўриниши сифатидаги нутқий фаолият (НФ тизими, оғзаки ва ёзма нутқ, ички ва ташқи нутқ, рецептив ва продуктив нутқнинг психолингвистик тавсифи). Нутқ фаолиятининг асосий механизмлари (чет тилини ўргатишда хотира, фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш). Нутқий кўникма ва малакалар. Нутқий кўникма ва малакалар асосида чет тили коммуникатив лаёқатини шакллантириш босқичлари. Чет тилини ўргатишда мотивация. Мотивация кўринишлари. Чет тили воситалари орқали ижтимоий ва маданий лаёқатларнинг шаклланиши.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг мақсад ва мазмуни**

Замонавий даврда чет тилини ўргатишнинг мақсадлари. Маҳаллий ва хорижий методикада чет тили ўргатишнинг тизимли мажмуини аниқлаш. Турли таълим муассасалари учун маҳаллий ва хорижий стандарт ва дастурларда чет тили таълими занжирини амалга ошириш. Ўқувчиларнинг шахсий-муҳим ва билим эгаллаш фаолияти жараёнидаги асосий лаёқатни шакллантириш.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг тамойиллари, методлари ва технологиялари**

Таълим қонун-қоидаларининг ўзаро алоқаси. Чет тили ўрганишнинг ўзига хос услубий қонун-қоидалари. Таълимнинг турли босқичларида чет тили бўйича дастурлар тузишнинг мазмун ва қонун-қоидалари. Касбий-йўналтирилган таълимнинг қонун-қоидалари. Чет тили таълимининг анъанавий ва замонавий муносабатлари ҳамда таълим усуллари. Чет тили ўргатишга коммуникатив-фаолиятли, шахсга-йўналтирилган, яхлитлаштирилган ва компетентлик ёндашувлари. Чет тили ўргатишнинг муаммоли методи. Чет тилининг турли даражалари таълими. Ҳамкорликдаги

таълим. Чет тили таълимнинг гуруҳли технологиялари. Чет тили таълимнинг лойиҳалаш методи. Чет тилининг модулли таълими. Чет тилининг кейс-методи. Чет тилининг компьютер технологияларига асосланган таълими. Чет тилининг ахборот технологияларга асосланган таълими. Чет тилини ўргатишнинг ўйин методлари.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларини воситалари**

#### **Машқ - чет тилларини ўқитишнинг ягона бирлиги**

Таълим воситалари таснифи. Чет тили бўйича янги ЎУМ умумтаълим муассасаларида чет тили таълими сифатини оширишнинг жоиз самарали йўлларида бири сифатида. Чет тили замонавий дарслигининг асосий таснифлари. Чет тили бўйича замонавий дарслик тузишнинг асосий қоидалари. Турли коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш учун дарслик ва ўқув материалларини танлаш бўйича тавсиялар. Технологик карталар. Машқ-чет тили ўргатишнинг ягона бирлиги сифатида. Кўникма ва малакаларнинг шаклланишида машқларнинг роли. Машқлар таснифи. Машқлар тури. Машқлар тизими.

#### **Оғзаки ва ёзма нутқни ўргатиш**

##### **Тинглаб тушунишни ўргатиш**

Чет тилини амалий эгаллашда тинглаб тушуниш ва унинг роли. Тинглаб тушуниш – таълимнинг ҳам мақсади, ҳам воситаси сифатида. Тинглаб тушунишнинг асосий механизмлари ва уларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш усуллари. Тинглаб тушунишни ўргатиш қийинчиликлари. Тинглаб тушунишнинг турли усуллари шакллантириш учун машқлар тизими. Аудио-матнлар билан ишлаш босқичлари. Мавжуд нутқий малака шаклланишининг назорат усуллари. Халқаро имтиҳонлар тизимида тинглаб тушуниш бўйича тест вазифаларининг мазмуни ва тузулиши. Таълимнинг турли босқичларида тинглаб тушунишга қўйилган CEFR талаблари.

##### **Гапиришни ўргатиш**

Нутқ ва мулоқот шакллари. Нутқ самараси шартлари. Аниқ, шартли ва муаммоли ҳолатлар, уларни дарсда ташкил қилиш усуллари. Монолог, диалог ва полилог, уларнинг турли кўриниш ва таснифлари. Гапиришга ўргатишнинг “юқоридан пастга” (матнлар асосида) ва “пастдан юқорига” (матнга суйанмаган ҳолда) усуллари. Нутқий қурилманинг роли ва гапиришга ўргатишнинг таянчи. Чет тили ўргатишнинг маҳаллий ва хорижий амалиётида оғзаки нутқ мулоқоти малакаси шаклланиши назорати. Таълимнинг турли босқичларида гапиришга қўйилган CEFR талаблари.

## **Ўқишни ўргатиш**

Ўқиш чет тили ўрганишнинг мақсад ва воситаси сифатида. Ўқишга ўргатиш босқичлари. Таълимнинг турли босқичларида овоз чиқариб ва ичида ўқишнинг ўзаро нисбати. Ўқиш турлари ва уларни шакллантириш юзасидан машқлар тизими. Матн ва у билан ишлаш тизими. Чет тилини ўқитишнинг маҳаллий ва хорижий амалиётда юзага келадиган ўқишнинг кўникма ва малакалари шаклланганлиги назорати усуллари. Чет тилини ўргатишнинг маҳаллий ва хорижий амалиётида қабул қилинган ўқиш малакаси шаклланганлигининг назорати шакллари. Таълимнинг турли босқичларида ўқиш малакасига қўйилган CEFR талаблари.

## **Ёзувни ўргатиш**

Хат ва ёзма нутқ. Ёзувни ўргатишнинг мақсад ва мазмуни. Ёзма нутққа ўргатиш технологияси. Таълимнинг турли босқичларида ёзув, орфография (тўғри ёзиш), пунктуация (тиниш белгилар) кўникмаларига ва ёзма нутқ малакасига эга бўлишга қўйилган CEFR талаблари.

## **Нутқий мулоқотни амалга ошириш воситалари**

### **Нутқнинг лексик томонини ўргатиш**

Чет тили коммуникатив компетенциясини шаклланишида луғавий кўникмаларнинг роли. Сўзнинг шакли, моҳияти ва қўлланилиши билан боғлиқ мураккабликлар, уларни пайқай олиш ва минималлаштириш йўллари. Сўзнинг коннотатив хусусиятлари, таг маъно ва эквивалентсиз лексика (реалия, лакуна). Тил бирликлари билан танишиш усуллари ва уларни муайян мураккабликларни эътиборга олиб танлаш. Лексик кўникма ва малакалар, уларнинг шаклланишида сўзларнинг синтагматик ва парадигматик алоқалари роли. Сўзнинг турли алоқаларини ўрнатишга йўналтирилган лексик машқлар тизими. Унинг ривожланишини белгиловчи семантик майдон ва омиллар. Чет тили дарсларида лексик ўйинлар, уларнинг роли ва аҳамияти. Лексик кўникмалар шаклланганлик даражаси назорати. Таълимнинг турли босқичларида лексик компетенцияга қўйилган CEFR талаблари.

### **Нутқнинг грамматик томонларини ўргатиш**

Кўникмалар шаклланиши жараёнида грамматик кўникмаларнинг роли. Тиллараро ва тил ички интерференцияси ва грамматик хатолар типологияси. Чет тили дарсларида грамматик ўйинлардан фойдаланиш вазифалари. Чет тили коммуникатив компетенциясида қабул қилинган грамматик кўникмаларнинг шаклланиш даражаси назорати турлари. Чет тилини ўргатишнинг маҳаллий ва хорижий амалиётида нутқнинг грамматик томонини ўргатишга нисбатан имплицит, эксплицит, дифференциали ёндашув. Таълимнинг турли босқичларида грамматик компетенцияга қўйилган CEFR талаблари.

## **Чет тили талаффузига ўргатиш**

Чет тили коммуникатив компетенцияси шаклланиши жараёнида талаффуз кўникмаларининг роли. Ўқувчи ҳамда ўқув фани хусусиятларини белгиловчи мавжуд кўникмаларни шакллантириш борасидаги ишларнинг мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари. Тинглаб талаффуз қилиш ва ритмик-оҳанг кўникмалари. Талаффузни ўргатишнинг усуллари. Хатолар турлари. Талаффузни ўргатишнинг акустик, артикуляр, дифференциал ёндашувлари моҳияти. Фонетик машқ, унинг чет тили дарсидаги роли ва ўрни. Ўзаро боғланган тил ва нутқ кўникмаларининг шаклланишида фонетик машқнинг мақсад ва мазмуни аниқлаш. Таълимнинг турли босқичларида талаффуз компетенциясига қўйилган CEFR талаблари.

### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларида назорат ва режалаштириш**

#### **“Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари” фани бўйича таълим олувчиларнинг ўрганиш натижалари ва ютуқларини баҳолашни назорат қилишнинг замонавий воситалари**

“Чет тили” фани бўйича билим, малака, кўникмалар назоратининг ўзига хос хусусиятлари. CEFR бўйича баҳолаш. Чет тили бўйича билим, малака, кўникмаларини текширишнинг асосий объектлари. Чет тили бўйича билим, малака, кўникмалар назоратининг вазифалари, турлари ва шакллари. Коммуникатив малака шаклланганлик даражасининг назорати. Нутқий малака шаклланганлик даражасининг назорати. Тилга оид кўникмалар шаклланганлик даражасининг назорати. Баҳолашнинг рейтинг тизими. Тест билим, малака, кўникмалар назоратининг ўзига хос шакли сифатида. CEFR ва бошқа халқаро меъёрлар асосида баҳолаш.

#### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари бўйича замонавий ўқув жараёни ташкил этишни технология ва методлари**

Чет тили дарси тавсифи ва технологияси: дарсда тил муҳитини яратиш, дарснинг тарбиявий имкониятлари, дарс мақсадининг хусусияти, чет тили дарсининг мазмундорлиги. Дарснинг мақсад, вазифаларини белгилаш ва тилга оид ва нутқий материал тайёрлаш. Чет тили дарси тузилиши ва уни ташкиллаштириш. Чет тили дарсида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги шакллари. Мавзуй режа. Бир соатли дарсни режалаштириш.

#### **Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари бўйича дарсдан ташқари ишлар**

Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари бўйича дарсдан ташқари ишнинг аҳамияти. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари бўйича дарсдан ташқари ишларнинг турлари ва шакллари. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари дарси бўйича дарсдан ташқари ишларни ташкиллаштириш ва режалаштириш тамойиллари. Таълимнинг турли босқичларида чет тили бўйича дарсдан ташқари ишларни тайёрлаш ва ўтказиш технологиялари.



### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати**

- Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари ўқитувчисининг касбий компетенцияси (омилкорлиги);
- Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари фан сифатида. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари мақсад ва мазмуни;
- Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг тамойиллари, метод, усул ва технологиялари;
- Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг воситалари. Машқ тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари ягона бирлиги сифатида;
- Тинглаб тушунишни ўргатиш;
- Гапиришни ўргатиш;
- Ўқишни ўргатиш;
- Ёзувни ўргатиш;
- Нутқнинг лексик томонини ўргатиш;
- Нутқнинг грамматик томонини ўргатиш;
- Талаффузни ўргатиш;
- Таълим натижалари назоратининг замонавий воситалари ва “Чет тили” фани бўйича таълим олувчиларнинг ютуқларини баҳолаш;
- Таълимнинг турли босқичларида чет тили бўйича замонавий ўқув жараёнини ташкил этишнинг технология ва методлари;
- Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологияларининг аудиториядан ва синфдан ташқари технологиялари.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариши учун унинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талабанинг мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиёти ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- Берилган мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
  - Назарий билимларини амалиётда қўллаш;
  - Кундалик дарс режасини тузиш;
  - Илмий анжуманларга илмий мақола, маъруза тайёрлаш.
- Мустақил таълимни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан фойдаланиш.
2. Турли босқичларда чет тили ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари (умумий ўрта таълим 1-9 синфлар; филологик ва нофилологик йўналишдаги академик лицейлар; касб-хунар коллежлари, нофилологик йўналишдаги факультетларнинг бакалавриати ва бошқалар).
3. Таълимнинг турли босқичларида ўқув жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш.
4. Таълимнинг турли босқичларида чет тили бўйича аудиториядан ва синфдан ташқари ишлар.
5. Таълимнинг турли босқичлари учун ўқитишнинг интерфаол методлари.
6. Лойиҳавий фаолиятда ишлаш ва иштирок этиш.
7. Технологик карталарни ишлаб чиқиш.
8. Индивидуал касбий услубий портфолиони тайёрлаш ва ҳимоя қилиш.
9. Нутқий фаолият кўринишлари ва нутқнинг тилга оид жиҳати таълими бўйича дарс бўлимларини ишлаб чиқиш.
10. Назорат иши ва тест вазифалари намуналари.
11. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари таълимнинг турли босқичларида дарсни режалаштириш.
12. Дарслар тизимини мавзули режалаштириш.
13. Тилларни ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари бўйича ЎУМ таҳлили.
14. Тил материали ва нутқий фаолият турлари таълими юзасидан дидактик материаллар намуналари.

### **Дастурнинг информацион – услубий таъминоти**

Маъруза фани ўқиётганда қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланилади: ижодий вазифаларни амалга ошириш технологиялари, ақлий хужум ва ўйин технологиялари. Амалиёт дарсларида касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берувчи инновацион технологияларни қўллаш назарда тутилади, улар жумласига: муамолли вазифалар, “Бумеранг”, “Аквариум”, “Думалоқ стол” каби технологиялардан фойдаланиш киради.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Ахмедова Л.Т., Нормуратова В.И. Teaching English Practicum / Практикум по методике преподавания английского языка - Т.: 2011.
2. Jalolov J.J. Chet til o`qitish metodikasi - Т. : 2012 .
3. Хошимов Ў., Ёкубов И. Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси - Т.: 2003.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. - Тошкент, 2000.
2. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент, 2000.
3. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). – Тошкент, 2003.
4. Фарберман Б.Л.. Педагогическая технология и проблемы ее использования. - Ташкент, 2004.

### **Интернет сайтлари:**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. <http://iteslj.org/>
5. <http://www.teachingenglish.org>.
6. <http://www.teachermentors.com>
7. <http://www.inspiringteachers.com>
8. <http://teachnet.org>
9. <http://www.alt-teachercert.org>

